



Mavluda Khakimbaevna Ashirbaeva,
Teacher of the Academy of Ministry of Interior
Affairs of Republic of Uzbekistan

PROBLEMS OF IMPROVING THE FUNCTION OF UZBEKISTAN ON THE USE OF REGIONAL WATER RESOURCES

Abstract: *The article comprehensively analyzes the system of legislative acts and the legal foundations of public administration in the use of regional water resources. The problems related to the use of water resources in Central Asia were studied, as well as proposals were developed for improving the procedure for managing water resources, maintaining their records and control.*

Keywords: *regional water resources, transnational water bodies, state function, water resources management, use of water resources, water resources protection, water security.*

Мавлуда Хакимбаевна Аширбаева,
Преподаватель Академии Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ФУНКЦИИ УЗБЕКИСТАНА ПО ПОЛЬЗОВАНИЮ РЕГИОНАЛЬНЫМИ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ

Аннотация: *в статье всесторонне проанализирована система актов законодательства и правовые основы государственного управления в сфере пользования региональными водными ресурсами. Изучены проблемы, касающиеся пользования водными ресурсами в Центральной Азии, а также выработаны предложения по совершенствованию порядка управления водными ресурсами, ведения их учета и контроля.*

Ключевые слова: *региональные водные ресурсы, транснациональные водные объекты, государственная функция, управление водными ресурсами, пользование водными ресурсами, охрана водных ресурсов, водная безопасность.*

Мавлуда Хакимбаевна Аширбаева,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими ҳамда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил қилинган. Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланишга оид муаммолар ўрганилган ҳамда Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисобини олиш, назорат қилиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: минтақавий сув ресурслари, трансчегаравий сув объектлари, давлат функцияси, сув ресурсларини бошқариш, сув ресурсларидан фойдаланиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув хавфсизлиги

Мамлакатимизда ва Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, бу борада тўпланиб қолган ва ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Биргина қуйидаги рақамларга эътибор қаратайлик: асримиз бошларида республикамиз аҳолиси 20 млн. нафардан ортиқроқ эди, иқтисодиёт тармоқларида сарфланадиган сув ҳажми 64 миллиард куб метрни ташкил этган. 2020 йилга келиб эса аҳоли сони 34 млн. нафарга етди. Лекин иқтисодиёт тармоқларида 52 – 54 миллиард куб метр миқдоридан сув ишлатилиши кутилмоқда [2].

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингани ва амалга ошириб келинаётганига йигирма етти йилдан ортиқ вақт ўтди (ушбу Қонунга 1997, 1998, 2000, 2001, 2003, 2009, 2014 ҳамда 2019 йилларда тузатишлар киритилган). Ўтган салкам ўттиз йил вақт давомида Қонунга давр талабларидан келиб чиқиб ўндан зиёд марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларга зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувга доир муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деди: “2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан **4 баравар** кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан **300 миллиард сўм** субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур” [1].

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида, шунингдек, Сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини қабул қилиш вазифасини қўйди (унинг лойиҳасини жорий йил 1 апрелгача тасдиқлаш учун киритилди). Кўрилаётган чоралар туфайли 2020 йилда **90 га** объектга “Ақлли сув” тизими жорий этилса, улар сони 2025 йилда – **300 тага**, 2030 йилга бориб – **1000 тага** етказилади [2]. Демак, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш давлатнинг устувор сиёсати бўлиб қолади.

Марказий Осиё минтақасидаги сувни асраш ҳамда ундан фойдаланиш масаласи борасидаги вазият бундан ҳам мураккаб. Жумладан, сўнгги 50 йилда умумий ҳисобда Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига қуйилиш ҳажми қарийб 5 мартадан зиёд камайиб кетган. Орол денгизининг сув массаси 14 мартадан ортиқ камайган, бироқ унинг шўрланиш ҳолат 25 баравар кўпайган, оқибатда унинг балиқ ва бошқа денгиз био организмлари деярли йўқ бўлиб кетмоқда. Шу ўринда Минтақамиздаги дарёлардан

фойдаланиш ва Орол муаммоси глобал хусусият касб этмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳозир 700 миллион аҳоли ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 3 миллиарддан ортиши кутилмоқда. Яна бир хавотирли рақам – ҳар йили дунёнинг 1,2 миллиард аҳолиси тоза ичимлик сувидан бебахра, 3 млн. дан ортик инсон ичимлик суви таркибида мавжуд касалликлар натижасида вафот этмоқда [4, 12-б.]. Орол бўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортик майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда” [3]. Ушбу вазият бутун минтақадаги экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва баргараф этишнинг замонавий ташкилий, ҳуқуқий ечимларини излашни тақозо этмоқда. Демак, ҳозир давлат функциялари қаторида минтақавий сувлардан, трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш функцияси устувор мавқега эга бўлмоқда. Ушбу муаммо Марказий Осиё минтақаси давлатларига ҳам тааллуқли. Марказий Осиё халқлари тарихида сув қадимдан ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган. Сув нафақат ҳаёт манбаи, балки мазкур ҳудудда яшаётган халқларни бирлаштирувчи, ҳамкорликка ундовчи ва, энг муҳими, улар давлатчилиги ривожланишининг бош омили бўлиб қолади.

Юқоридаги ташвишли вазиятдан чиқиш мақсадида давлатимиз томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўлами муаммонинг ҳуқуқий ечимини топишга йўналтирилган жиддий эътиборни изохлайди деб ўйлаймиз. Таъкидлаганимиздек, ҳозир “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун амалда. Аммо, уни қатъий такомиллаштириш, ҳатто Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси Раиси таъкидлашча, тегишли ишчи гуруҳи тузилиб, 2022 йилнинг 1 январига қадар Сув кодексини ишлаб чиқиш мўлжалланган [5]. Сув масалаларига оид қонунчиликнинг кодекслаштирилиши бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини янада мукамаллаштириш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда сув ресурсларини бошқариш улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таъкидлаш ўринли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони; “2014 – 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг насос-куч асбоб-ускуналарини босқичма-босқич янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори (2013 йил 5 июнь); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” (вазирликларнинг Низоми тасдиқланган) ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (25 сентябрь 2017 йил); Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори; “Марказий Осиёдаги минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Минтақавий дастури” (2019 йил 24 август);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол бўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқалар.

Мазкур қонун ва қонуности ҳужжатларда, аввало, давлатимизнинг сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги сиёсати, қолаверса давлат органларининг сув объектларини бошқариш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш функцияси ўзининг ҳуқуқий асосларини топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси парламенти сувга доир муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш орқали шу соҳадаги сиёсат асосларини, бошқарувнинг устуворликларини белгилаб, тегишли давлат функциясини адо этади, деб ҳисоблаймиз. Масалан, булар қуйидаги функциялар:

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш ва бошқалар” (Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасида қуйидаги функцияларни бажаради:

сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув фондини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув объектидан сув олиш лимитларини (бундан буён матнда сув олиш лимитлари деб юритилади) тасдиқлаш тартибини белгилаш;

сувларнинг давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш;

йирик авариялар, фалокатлар, экология танглиги ва сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булғатганлик ва қуритиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;

давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги Низомда Вазирлик амалга оширадиган қуйидаги вазифа ҳамда функциялар мустаҳкамланган:

– сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли

таъсирини олдини олиш ва тугатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

– хуудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ва оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш;

– ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли ишлашини таъминлаш, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларини муҳофаза қилишни ташкил этиш;

– сув хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг инновацион усулларини жорий қилиш;

– трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва техник кўмак маблағлари (грантлар)ни жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш.

Вазирлик ўз вазифаларига мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуришининг аҳоли ҳаёти ва фаолияти ривожланишига салбий таъсирини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

сув ресурсларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва давлат сув кадастрини юритишни ташкил қилади;

сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа бирлашмаларини тузиш ва уларни ривожлантиришда, шунингдек, улар хизмат кўрсатадиган зонада сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

тегишли давлат бошқаруви органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва тугатиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

давлат сиёсатининг сув хўжалиги соҳасидаги асосий йўналишлари, уларни амалга оширишнинг стратегия ва механизмлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

мамлакат сув хавфсизлигини таъминлаш ҳамда сув ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланишни таъминлаш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилади;

сув ресурсларининг ҳавза тамойили ва бутун вертикал бўйлаб самарали бошқариш асосида хуудлар ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан ишончли ва барқарор таъминлашни амалга оширади; сув ресурслари прогнозларини комплекс таҳлил қилади; сув ресурсларини олиш лимитларини белгилайди;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, геология ва минерал ресурслар органларига табиий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмол қилишга рухсатномалар бериш бўйича таклифлар киритади;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ҳамда тугатилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилишни таъминланишини ташкил этади;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан эҳтиёткорлик билан ва оқилона фойдаланишлари учун жавобгарлигини ошириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш тадбирларини кўради;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида долзарб муаммоларнинг инновацион илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш ва замонавий техника ва технологияларни фаол равишда жорий этишга қаратилган давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда қатнашади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Сув хўжалиги вазирлиги *трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва техник кўмак маблағлари (грантлар)ни жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг фаолиятида фаол иштирок этади;*

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда трансчегаравий сув объектларини ишлатишни яхшилаш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

инвестицион лойиҳаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатлар инвестициялари, имтиёзли кредитлари ва техник кўмак маблағлари (грантлар) ни жалб қилишда иштирок этади;

хорижий давлатлардаги сув хўжалиги объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қурилишида иштирок этади;

трансчегаравий сув ресурсларини тартибга солиш ва улардан фойдаланиш, сув хўжалигини ривожлантириш ва ерлар мелиорацияси бўйича давлатлараро масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда республика номидан иштирок этади;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг сув хўжалиги органлари, биринчи навбатда, ҳудудидан Амударё ва Сирдарё оқиб ўтадиган мамлакатлар билан Орол денгизи ҳавзасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича самарали ҳамкорликни ривожлантириш;

халқаро шартномалар, хорижий мамлакатлар билан сув хўжалиги ва мелиорация соҳасидаги ҳамкорлик дастурлари доирасида Ўзбекистон томонининг мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган халқаро тадбирларнинг республикада ўтказилишини ташкил этади, сув хўжалиги масалалари бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокараларда қатнашади.

Бироқ кўрилаётган чораларга қарамасдан, ҳозирги босқичда Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланишда баъзи муаммолар мавжуд. Бу муаммо ва қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

– иқлим ўзгариши ва музликлар эриши туфайли йилдан йилга сув захиралари тақчиллиги ортиб, сув истеъмоли эҳтиёжларини қондириш қийинлашмоқда;

– минтақада мавжуд сув объектларида сув камайиши, уни исроф қилиш, ифлосланиши тобора ортмоқда;

– ўтган аср давомида Марказий Осиёдаги музликлар учдан бирга камайган. Мутахассислар айтишича музликлар йилига 0,2 – 1 фойизгача камаймоқда. Прогнозларга кўра ҳароратнинг 2 даража исиши музликлар ҳажми 50 фойизгача олиб келиши мумкин;

– моделлаштириш ва турли ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга бориб Амударё ва Сирдарё ўзанларидаги сувлар кўп йиллик норманинг 5 – 15 ғойизигача камайиб кетиши тахмин қилинмоқда;

– урбанизация ва демографик ўсиш туфайли сув манба ва захиралари истеъмоли шубҳасиз ортиб боради. БМТ мутахассислари чамалашича ҳозир минтақада 70 млн.дан зиёд аҳоли яшаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу рақам 94 млн. кишига етади. Бу озиқ-овқат ва сув таъминотини мураккаблаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилиги бирхиллаштирилмаётгани қуйидаги сабаблар билан изоҳланади: 1) сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича умумий ҳуқуқий базанинг номукамаллиги; 2) мамлакатларнинг миллий қонунчилигида сувнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда унинг ўзига хос табиий хусусиятлари ҳисобга олинмаётгани; 3) давлатларнинг халқаро ҳуқуқий актларга қўшилмагани; 4) мамлакатларда ривожланиш йўналишларининг турличалиги; 5) аҳоли кўпайиши билан сувга эҳтиёж ҳам ўсиб бораётгани. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг бундай ҳолатда давом этиши давлатлараро ва миллатлараро низоларни келтириб чиқариши, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин [6].

Фикримизча, бу ўта мураккаб вазиятда Марказий Осиё минтақасидаги республикалар ваколатли давлат органларининг сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисобини олиш, назорат қилиш ва фойдаланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти ва функцияларини мувофиқлаштириш лозим. Бунинг учун:

а) трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш соҳасидаги дунё давлатларининг ижобий тажрибасини пухта ва чуқур ўрганиш, таҳлил этиш асосида паритет-тенглик принципи асосида иш юритувчи зарур институционал тузилмаларни вужудга келтириш мақсадга мувофиқ бўларди: масалан, Марказий Осиё давлатлари Ҳукуматлари Кенгаши, Сув хўжалиги вазирлари Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши. Бунда маълум даражада Европа Иттифоқи давлатларининг ҳамкорлик тажрибасидан фойдаланиш мумкин;

б) трансчегаравий дарёлар сув захираларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий кўп томонлама ва икки-томонлама ҳуқуқий ҳужжатлар (келишув, битим, шартномалар) лойиҳаларини биргаликда тайёрлашни йўлга қўйиш;

в) минтақадаги сув ресурсларидан самарали ва ўзаро мақбул, манфаатли фойдаланишда ҳамкорлик қилишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга эришиш;

г) сув хўжалигида олиб борилаётган сиёсат ва кўрилаётган чораларни ҳозирги давр ўртага қўяётган талаблар (иқлим ўзгариши, урбанизация, демография ва ҳ.к.) га мослаштириш;

д) минтақада сув таъминотини яхшилашга оид ирригация иншоотларини яратишда замонавий илғор технологиялардан фойдаланишга эришиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, бугунги глобаллашув ва минтақавий интеграциялашув шароитида табиий трансчегаравий сувлардан оқилона фойдаланиш борасида Ўзбекистон давлати алоҳида махсус функцияни бажариши намоён бўлмоқда. Ўйлаймизки, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги нуктаи назаридан ёндашганда, минтақадаги табиий сув ресурсларини биргаликда бошқариш улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ҳар бир давлат тегишли алоҳида функцияни бажаради ва бунда ўзаро

манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интилади. Бу минтақада биргаликда ҳаёт кечиришнинг, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишнинг, иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг муҳим зарурий шартидир. Шу мақсадда минтақа давлатлари ўз имкониятлари, салоҳияти, сармоя ва саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришлари, бирлаштиришлари лозим.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - Xalq so‘zi, 2020 yil 25 yanvar.
2. Xalq so‘zi, 2020 yil 29 fevral.
3. Xalq so‘zi, 2018 yil 25 avgust.
4. Bo‘riyev S.D., Hamroyeva N.N. Suv va ekologiya - global muammolar iskanjasida. // Tafakkur, 2017, №1, - B.12.
5. Ulug‘murodov D. Suv taqchilligini kamaytirishning yo‘li bor. - “Xalq so‘zi”, 2020 yil, 29 fevral.
6. Xayitov X. Mintaqada suv resurslari // www.huquqburch.uz

